

**Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича
“Тараққиёт” республика танловини ўтказишни ташкил этиш бўйича
РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ**

**Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича
“Тараққиёт” республика танловида иштирок этувчи
талабгорлар учун “Чет тили (инглиз, француз, немис)”
бўйича онлайн тест синови
ДАСТУРИ**

Истикболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танловида иштирок этувчи талабгорлар учун “Чет тили (инглиз, француз, немис)” бўйича онлайн синов дастури Истикболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танловини ўтказишни ташкил этиш бўйича Республика комиссиясининг 2018 йил 24 августдаги 2-сон мажлиси баёни билан тасдиқланган.

Тузувчилар:

- С.С. Умарова** – ЎзДЖТУ Француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси
- А.А. Цаканян** – ЎзДЖТУ ҳузуридаги РИАИМ катта илмий ходими, п.ф.н., доцент
- Л.Т. Холияров** – ЎзДЖТУ Немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси доценти, ф.ф.н.
- О.Н. Юсупов** – Низомий номидаги ТДПУ Инглиз тили амалий курси кафедраси мудири, доцент



КИРИШ

Мазкур синов дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони ҳамда 2018 йил 30 майдаги “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3755-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Синов дастури “Тараққиёт” республика танловида истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш мақсадида талабгорларнинг “Чет тилини (инглиз, француз, немис) билим даражасининг долзарблиги ва унинг замонавий тизимдаги ўрни” йўналишдаги билимларини аниқлаш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1875-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 124-сонли қарорлари ҳамда Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference)га мувофиқ, Давлат таълим стандартлари ва тиллар билиш даражаси қайта ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар”га кўра, Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танлови талабгорлари ўрганган чет тили бўйича B2 даражани эгаллаган бўлишлари лозим. Ушбу синов истиқболли бошқарув кадрларининг тизимли асосда танлаб олинишини таъминлаш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари тизимида уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга кўмаклашиш мақсадида ҳар 3 йилда бир марта ўтказилади.

Дастурнинг мақсади ва вазифалари

Ушбу синов дастурининг мақсади – Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танлови талабгорларининг касбий йўналиши доирасида чет тилининг лексик-грамматик компетенцияларини, уларнинг ижтимоий-маданий мулоқот малакалари, хусусан, ўрганилаётган чет (инглиз, француз, немис) тилининг функционал шакл ва услублари, тил тўғрисидаги амалий ва назарий билимларини такомиллаштириш ҳамда эгалланган билим, кўникма, малакаларини касбий ва илмий фаолиятда эркин қўллай олишлари, хорижий ҳамкорлар билан амалга ошириладиган ўзаро фаолият доирасида олиб бориладиган ёзишма ва

хужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шунингдек, хорижда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий янгиликларни ўқиб тушунишларини аниқлай олиш қобилияти ва салоҳиятига кўра муносиб кадрларни танлаб олиш.

Дастурнинг асосий вазифалари:

- Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танлови талабгорларининг умумэътироф этилган халқаро меъёрларга асосан ўрганилаётган чет тилини В2 даражада эгаллаганлиги;
- содда ва қўшма гаплар, сўз бирикмалари синтаксиси, лексика ва ёзма нутқ, лексиканинг асосий хусусиятларини билиши;
- чет тилида сўзловчи шахсларнинг кенг тарқалган кундалик ва касбий вазиятларда сўзлаган нутқини тушуна олиши;
- матнларни тушуна олиш ва улардан ўзи учун зарур бўлган ахборотни ола билиши;
- матнларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қила олиши;
- турли давлатларнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий хусусиятларини эгаллаган тил орқали қиёслаш, солиштириш ва таҳлил қилиши;
- нутқнинг диалогик ва монологик шакллари ҳақида тасаввурга эга эканлигини аниқлаш.

Баҳолаш мезонлари

Мазкур синов тест воситасида аниқланади. Баҳолаш услублари талабгорнинг билим даражаси, таҳлилий ва танқидий фикрлаш қобилиятларини аниқлаш учун ишлаб чиқилган.

Тест синовлари жараёни:

Баҳолаш усули

Тест

Баҳолаш мезонлари

86-100 % “аъло”

- матннинг асосий ғоясини тўғри тушуна олиш ва берилган саволларга тўлиқ, аниқ жавоб бериш;
- матн юзасидан мустақил фикр юрита олиш;
- матндаги касбга оид сўз ва терминларни тушуна олиш ҳамда уларни контекстда тўғри қўллай олиш;
- мураккаб грамматик ва синтактик қурилмаларни контекстда тўғри қўллай олиш;

71-85 % “яхши”

- матн юзасидан тасаввурга эга бўлиш ва берилган саволларга жавоб бериш;
- матндаги касбга оид сўз ва терминларни тушуна олиш ҳамда уларни контекстда қўллай олиш;
- грамматик ва синтактик қурилмаларни контекстда қўллай олиш;

2. Monique Denyer, Agustin Garmendia, Corinne Royer, Marie-Laure Lions-Olivieri., Version originale 3, B1/B2, Edition Maison des langues, 2015

Интернет сайтлари:

Инглиз тили

1. www.developreading.com
2. www.teachingenglish.org.uk
3. www.online-literature.com
4. www.literature.org
5. www.pearsonlongman.com/ae/
6. www.onestopenglish.com
7. www.macmillanenglish.com/readers
8. www.better-english.com/exercisrlist.html

Немис тили

1. <https://deutsch.lingolia.com/de/grammatik>
2. <http://easy-deutsch.de>
3. <http://deutsch.info/de/grammar>
4. <http://www.deutsch-als-fremdsprache.de>
5. <http://www.grammatiktraining.de>
6. <http://www.graf-gutfreund.at>
7. <http://www.dietz-und-daf.de>
8. https://www.hueber.de/seite/pg_links_medien_daf
9. <https://www.goethe.de/ins/fr/de/spr/unt/kum/jug/utg.html>
10. <https://www.deutsch-portal.com/lesen.html>

Француз тили

1. <http://lewebpedagogique.com/ressources-fle/>
2. <http://www.tv5.org/TV5Site/7-jours/>
3. http://www.tv5.org/cms/chaine-francophone/info/p-1909-L-actualite-en-video.htm?jt=jt_info
4. <http://www.culturepub.fr/>
5. <http://insuf-fle.hautetfort.com/comprehension-orale-a-partir-de-video/>
6. <http://fr.akinator.com/>
7. <http://www.lepointdufle.net/>
8. <https://addons.mozilla.org/fr/firefox/addon/video-downloadhelper/>

1. www.gov.uz
2. www.parliament.gov.uz
3. www.president.uz
4. www.uza.uz
5. www.lex.uz
6. www.press-service.uz
7. www.edu.uz

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар

- Инглиз тили**
1. Malcolm Mann. Destination(full set) Macmillan Education, UK-2013.
 2. Cambridge English Skills Real Listening and Speaking 2 with Answers and Audio CD: Level 2
 3. John and Liz Soars. "New Headway" (level B2) Oxford university.
 4. Antonia Clare: Speak out; (level B2) Pearson
 5. Morgan Terry: Expert (exam specification)Pearson, 2016
- Немис тили**
1. Monika Bovermann Sylvieta Penning-Hiemstra. Schritte 6 International. Hueber Verlag. Deutschland. 2012.
 2. Sandra Evans, Angela Pude, Anna Breitsameter, Julia Braun-Podeschva Franz Specht u.a. Menschen. Deutsch als Fremdsprache B1. Kurs-und Arbeitsbuch mit Audio DVD-Rom. Hueber Verlag GmbH . Ismaning, Deutschland. 2012
- Француз тили**
1. Annie Berthet, Catherine Hugot, Veronique M. Kizirian, Beatrix Sampsonis, Monique Waendendries. Alter Ego 3 -Methode de Français. HACHETTE Français Langue Etrangère. France – 2013
 2. Barfety Michele, Patricia Beajouin. Comprehension Orale 1-B1/B2. 2013
 3. Catherine Flumian, Josiane Labascoule. Methode FLE pour adultes Nouveau Rond Point B2. 2013

Қўшимча адабиётлар

- Инглиз тили**
1. IELTS high score vocabulary list English - Timothy Dickeson - 2012
 2. Pearson: John Hattier: What works best in Education, 2016
- Немис тили**
1. Anneli Billina. Hören & Sprechen B1: Buch mit 2 Audio-CDs. Narr Francke Attempo Verlag. Tübingen, Deutschland, 2013
 2. Hartmut Aufderstraße, Jutta Muller, Thomas Storz. Delfin. Hueber Verlag. Ismaning, Deutschland. 2007.
- Француз тили**
1. Catherine Flumian, Josiane Labascoule, Serge Prinotakis, Corinne Royer, Christian Puren., Nouveau rond-point 2 B1/B2, Edition Maison des langues, 2015

55-70 % “қоникарли”

- матн юзасидан тасаввурга эга бўлиш ва берилган саволларга қисман жавоб бериш;
- матндаги касбга оид сўз ва терминларни тушуна олиш ҳамда уларни контекстда қисман қўллай олиш;
- грамматик ва синтактик қурилмаларни қисман қўллай олиш;

0-54 % “қоникарсиз”

- берилган матннинг мазмуни юзасидан тасаввурга эга бўлмаслик ва берилган саволларга тўғри жавоб бера олмаслик;
- матндаги касбга оид сўз ва терминларни тушуна олмаслик ҳамда уларни контекстда тўғри қўллай олмаслик;
- грамматик ва синтактик қурилмаларни тўғри қўллай олмаслик.

Тест саволлари мазмуни

Ҳар бир тест топшириғи мазкур синов дастури асосида илмий ва амалий манбалардан фойдаланиб тузилади. Тест топшириғи учта қийинлик даражасида тузилади.

Тест топшириқларининг қийинлик даражалари қуйидагича белгиланади:

осон (1) – тестдан ўтувчининг хотирада сақлаш қобилиятини аниқловчи, унча мураккаб бўлмаган бир ҳодиса ёки қонуниятни билишни талаб қилувчи даража;

ўртача қийин (2) – тестдан ўтувчидан таҳлил қила олишни, икки-уч қонда ёки қонуниятни бир вақтда қўллай билиш натижасида тўғри хулосага келишни талаб қилувчи даража;

қийин (3) – жараёни прогноз қилишда тестдан ўтувчининг тўғри жавобни топиш учун зарур бўлган ҳодиса ва қонуниятларни таҳлил қила олиш қобилиятини талаб қилувчи даража.

Талабгорларнинг билимига қўйиладиган талаблар

Истиқболли бошқарув кадрларини танлаш “Тараққиёт” республика танловининг иштирокчилари кўп маданиятли дунёда касбий, илмий ва маиший соҳаларда фаолият юритишларида В2 даражани таъминловчи коммуникатив ва лингвистик компетенцияларга эга бўлиши керак.

Чет тили коммуникатив компетенцияси – чет тилида сўзлашувчилар билан мулоқот қилишни амалга ошириш қобилияти ва тайёргарлиги, шунингдек, танлов иштирокчиси нафақат ўз мамлакатининг сиёсати,

иктисодиёти ва маданияти, балки ўзлаштирган хорижий тил мамлакат сиёсати, иктисодиёти ва маданиятини англаш, уни мулоқот жараёнида тақдим эта олишини назарда тутати.

Лингвистик компетенция тил соҳиблари билан мулоқот қилиш учун тил материаллари (лексика, грамматика)ни етарли даражада билиш ва нутқ фаолияти турлари (ўқиб тушуниш)да қўллай билишни назарда тутати. У ҳозирги кўп маданиятли дунёда таълим олувчиларда “Чет тилини ўрганиш муҳимлиги” тушунчаси, чет тилида мулоқот қилиш, ўз устида мустақил ишлаш ва ижтимоий мослашув воситаси сифатида фойдаланиш эҳтиёжини шакллантириш ва ривожлантириш, фуқаролик, ватанпарварлик фазилатларини тарбиялашда, чет тили орқали маданиятлараро мулоқотни амалга ошириш истаги ва хоҳишида намоён бўлади.

Ўқиб тушуниш

- Таниш ва нотаниш мавзу бўйича тузилган матнлардан асосий/керакли бўлган ахборотни, шахсий ва мутахассислик бўйича корреспонденцияларни (хат-хабарларни) тушуниш;
- диаграмма, схема, чизмаларнинг қисқача таърифни тушуниш;
- мураккаб бўлган маълумотларни идрок этиш;
- махсус, мураккаб бўлган ёзма йўриқнома ва қўлланмаларни тушуниш;
- касбга оид мақола ва маърузалардан керакли ахборотни ажратиб олиш;
- керак ёки ноқераклигини аниқлаш мақсадида матннинг муайян қисмини синчиклаб ўқиш, конференция дастурларини ўқиб тушуниш.

Лексик компетенция

- Касбий лексика ва терминлардан фойдалана олиш;
- коммуникатив вазиятларда мавзуга оид бўлган лексикани ишлата олиш;
- чет тилида хорижий мутахассислар билан касбий ва маиший вазиятларда жонли мулоқот олиб бориш лексикасига эга бўлиш;
- интернационал сўзларни тушуниш ва қўллай олиш.

Грамматик компетенция

- Мураккаб грамматик ва синтактик қурилмаларни коммуникатив вазиятларда қўллай олиш;
- нутқнинг диалогик ва монологик шакллари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- содда ва мураккаб боғловчи сўзларни тўғри қўллаш;
- тилнинг замонавий ҳолати тавсифи, ёзув, графика, орфография, пунктуация, лексик-грамматик туркумлар, сўз тузилиши, стилистик хусусиятлари, меъёрий грамматика асосларини билиш;
- мутахассисликка оид матнларнинг мазмунини тушуниш мақсадида уларни таҳлил қилиш талаб этилади.

Талабгорларга ижтимоий ҳаёт ва жамиятнинг турли соҳаларига оид долзарб мавзуларни билиши, ўқиб тушуна олиши тавсия этилади:

- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг давлат тизими (сиёсий партиялар, президент қарорлари ва нутқлари).
- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг таълим тизими.
- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг иқтисоди.
- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг географик жойлашуви, майдони ҳамда аҳолиси.
- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг диққатга сазовор жойлари.
- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг миллий рамзлари ҳамда конституцияси.
- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг буюк сиймолари.
- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқалари.
- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти ҳамда урф-одатлари.
- Даврнинг энг долзарб муаммолари ва уларнинг ечими: глобаллашув ва интеграция; терроризм; одам савдоси; гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари; ишсизлик; экология ва саломатлик.
- Халқаро ҳамкорлик: ижтимоий-сиёсий муносабатлар; маданий-маърифий муносабатлар; халқаро туризм ва уни ривожлантириш концепцияси.
- Ижтимоий муносабатлар ва оила.
- Диний бағрикенглик.
- Овқатланиш, миллий таомлар.
- Спорт ва соғлом турмуш тарзи (тиббиёт ва гигиеник қондалар).
- Атроф муҳитни муҳофаза қилиш (табiiй офатлар).
- Харид қилиш.
- Касб ва касбга йўналтириш.
- Менинг кизиқишларим ва маданий ҳордиқ.
- Инновацион коммуникатив технологиялар ва оммавий ахборот воситалари.
- Саёҳат ва транспорт.
- Фан, техника ва кашфиётлар.

Талабгорлар билимини баҳолаш

Талабгор билими мазкур синов дастуридан келиб чиқиб тузилган тест саволларига берилган жавобларни баҳолаш орқали аниқланади.